

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ДУНЁДА ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – ЁШЛИКДА ОЛИНГАН БИЛИМДИР

Кеча вилоятимизнинг барча мактабларида ана шу ғоя остида ўқув йили якун-ларига бағишланган тантанали сафланиш тадбирлари бўлиб ўтди.



Мазкур тадбирлар "Қадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиш, доимо изланиш, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаймиз!" шiori остида ташкил этилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, вилоятимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили 23 минг 600 нафар ўқувчи фан олимпиада-

сида қатнашиб, шундан 141 нафари вилоят босқичида фахрли ўринларни қўлга киритди. Халқаро математика олимпиадасида эса 63 нафар ўқувчи муносиб иштирок этди. Жорий йилда

икки ўқувчи Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Шу билан бирга ўтган ўқув йилида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичларида 2 мингдан зиёд ўқитувчи иштирок этиб, 3 нафари республика босқичида ғолиб чиқди.

...Янгийўл шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ҳовлиси ҳам эрта тонгдан байрамона безатилди. Мактабда алоҳида ўрнатилган кўргазмадан ўқувчиларнинг таълим жараёнлари акс этган фотосуратлар жой олди. Тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ёшлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод юрт келажиги, тараққиётини белгилувчи катта куч эканини эътироф этиб, бугун фарзандларимизнинг муносиб таълим-тарбия олиши бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

– Вилоятимизнинг барча

мактабларидаги каби бугунги тадбиримизнинг асосий ғояси, давлатимиз раҳбарининг "Дунёда энг катта бойлик – ёшликда олинган билим ва эгалланган касб-хунардир", деган ибораси бўлди, – дейди Янгийўл шаҳар 1-умумтаълим мактаби директори Гулбаҳор Тожибоева. – Унинг мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшларга етказишга алоҳида эътибор бердик. Бу, албатта, ёшлар онгида Ва-танга муҳаббат, тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик туйғулари кучайтиришга хизмат қилади.

– Ўғлимнинг ўқишдаги фаоллиги бугунги тадбирда эътироф этилганини кўриб, севаганимдан кўзимга ёш келди, – дейди Паркент туманидаги 10-умумтаълим мактаби 10-синф ўқувчиси Акбар Ахроровнинг онаси Муҳайё Раҳматова. – Фарзандимни уй вазибаларини ўз вақтида тайёрлашга, аёло баҳолар олишига доим рағбатлантирганман. Шу боис, у информатикадан бўлиб ўтган фан олимпиадасида туман ва вилоят босқичларида ҳамда Жаутиков халқаро олимпиадасининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Давоми 2-бетда

СИФАТЛИ ТИББІЙ ХИЗМАТ ЙЎЛИДА ЯНА БИР ЖИДДІЙ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб янгиланишлар рўй бермоқда. Буни жойларда фойдаланишга топширилаётган, барча зарурий асбоб-ускуналар билан таъминланган, замонавий тиббиёт муассасалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати яхшилангани ҳам эътиборга молик. Бироқ, шунча сўй-ҳаракатларга қарамай, аллергия касалликларини аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш, соҳада кадрлар етишмаслиги оғриқли нуқтамиз эди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш тизимининг маълумотига кўра, сайёрамизнинг 40 фоиз аҳолисида аллергия касаллиги аломатлари бор.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, ўтган йил республикада аллергия ринит билан касалланган беморларнинг умумий сони 78 минг 41 нафарни ташкил қилган. Энг ёмони, уларнинг 30 минг 931 нафари болалар ва ўсмирлардир.

Вилоятимизда ушбу касаллиқни даволашга ихтисослашган тиббий муассаса йўқ, бу эса аҳоли учун қатор ноқулайликлар туғдираётганди.

Президентимизнинг "Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори соҳада улкан бурилиш ясаши шубҳасиз. Зеро, қарорда ихтисослаштирилган аллергиялогик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аллергия касалликларига ташхис қўйиш, даволашда илғор услуб-

ларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ислоҳ қилиш ва кадрлар соҳиётини ошириш масаласи ҳам назардан четда қолмаган.

Айтиш кераки, қарор ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг қарори ва шу асосда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида аллергиялогия бўлими очилади. Қолаверса, соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Қарорнинг яна бир аҳамият-ли томони шундаки, унда Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида "Аллергология ва клиник иммунология" кафедрасини ташкил этиш ва малакали кадрларни тайёрлаш белгиланган.

Низом ХАЙРУЛЛАЕВ,
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Хабарингиз борми?

Вилоят ҳокимлиги шаҳар ва туман ҳокимликларида қоғоз сарф-ҳаражати қамайтириш ҳамда электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида локал ва корпоратив тармоқларни ишга туширди. Эндиликда ЭДО.КБАТ ахборот тизими орқали шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари ўртасида қисқа фурсатда маълумот алмашинувини амалга ошириш мумкин.

ХИЗМАТ МУЛОҚОТЛАРИ ЯНГИ ФОРМАТДА

Таъкидлаш жоизки, ЭДО.КБАТ қатори яна бир қанча электрон тизимлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Масалан, "E-jro", "Cadry 5L", SMS-хизмати, "Юрида-орфо", "Галла", "Пахта", "Курилиш" тизимлари ҳам ишлаб турибди. Улар орқали кадрлар базасини юритиш, ходимларга дастур орқали хабар юбориш, галла ва пахта йигим-терими мавсумида ташкилий ва амалий ишлар, ижтимоий соҳа объектилари, шунингдек, намунавий уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид ишларни назорат қилиш имкони бор.

Ҳокимликда ахборот хавфсизлигига ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида қаралади. Шу боис, ходимлар учун бу борада семинарлар ўтказиб борилади.

Маълумки, 2015 йилда вилоятнинг қўшимча хизмат турлари билан бойитилган, янги кўриниш олган toshvil.uz (мобиль версияси – m.toshvil.uz) веб-ресурси ишга туширилган эди. Унда шаҳар ва туман сайтлари ҳам қамраб олинган. Мазкур веб саҳифада вилоят ва мамлакатимиз ҳаётига оид тезкор янгилик ва ахборотлар бериб борилади. Шунингдек, раҳбарият қабул кунлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш тартиби, маданият ва истироҳат боғлари, зиёратгоҳлар, сайёҳлик дам олиш масканлари, статистик ҳисоботлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, ўрмон хўжаликлари, ижарага берилаётган бино ва иншоотлар, оммавий офер-

та ва аукцион савдоларига қўйилган қийматли давлат активлари, ноль харид қиймати билан сотиладиган объектлар, муҳим эълонлар ва яна бошқа маълумотлар жойлаштириб борилади.

Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида interaktiv.toshvil.uz расмий веб-сайтида 79 та интерактив, жумладан, 11 та базавий интерактив давлат хизматлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги томонидан pm.gov.uz Ўзбекистон Республикаси Президентини Виртуал қабулхонасига ҳам портал орқали мурожаатлар қабул қилинади.

Аҳолини ижтимоий-маиший ҳаёти, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва бошқа соҳаларга оид маълумотларни умумфойдаланиш ресурсига жойлаштириш давлат идоралари фаолиятининг очиклигини таъминлайди. Шу боис, вилоят ҳокимлиги БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: 2-босқич" лойиҳаси доирасида data.toshvil.uz очик маълумотлар веб-сайтини ҳам ташкил этган.

Бугунги кунга келиб, data.toshvil.uz веб-сайтида соҳалар бўйича 30 та турли хил бошқарма ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган 400 тадан ортиқ маълумотлар жойлаштирилмоқда.

Айни кунда вилоят ҳокимлигининг маълумотлар тўплами сони 173 мингдан ошди.

Ўз мухбиримиз

ТИҒНИ ТУТУВЧИГА ШИТОБ КЕРАКДИР ТУГНИ ТУТУВЧИГА КИТОБ КЕРАКДИР

Оҳангарон маданият ва истироҳат боғида анъанавий вилоят "Китоб байрами" бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Китобхонлик маданиятини юксалтириш – буюқ мақсадларимизга эришишнинг муҳим қафолатидир" шiori остида "Китоб байрами" ўтказилмоқда.

Вилоятимизда мазкур байрам Оҳангарон маданият ва истироҳат боғида бўлди. Тадбирда вилоятимиз жамоатчилиги, минг-лаб китобсевар ёшлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, китоб байрамини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюқ аждодларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонлари тимсолини ҳаққоний ва ҳалқчил акс эттирувчи ада-



биётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишдир.

Анъанавий "Китоб байрами" доирасида нашриётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари томонидан китоб ва китоб маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Махмуд Тоир ва

бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимиз раҳбарининг соҳага бевосита эътибори ва ғамхўрлиги туфайли, матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасининг мустақам ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида, 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинди. Шунингдек, айни пайтда вилоятда 90 дан ортиқ матбаа корхонаси ва нашриёт, 200 га яқин ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатаётгани ҳам мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга, илмга эътибор тобора юксалиб бораётганидан далолатдир. "Китоб байрами" доирасида турли қизиқарли беллашувлар, интеллектуал висторина ва мушоралар ўтказилди.

Ўз мухбиримиз
Нозим ИСМОИЛОВ
олган сурат

Сайёҳлар учун ташриф қоғози



ПАРКЕНТНИНГ МИНГ ЙИЛЛИК БИТИКЛАРИ

Мафтункор Тошкент воҳасининг шундай хилват гўшалари борки, ҳар бири ўз тарихи ва тароватига эга. Жумладан, вилоятимизда ҳам шу вақтгача "беғона кўз"лардан яшириб келинган манзиллар оз эмас. Бундай муқаддас ва мудом сокин жойлар бу ерлардаги табиий тошу дов-даракларнинг ўта қадимий ва тарихий эканини ҳар дақиқа ёдга солиб туради.

Паркент – вилоятнинг энг гўзал туманларидан бири. Табиат уни жонбахш қуёшу обихаёт ва бетакрор табиий манзаралар билан сийлаган. Зеро, бизнинг узоқ аждодларимиз икки дарё – Чирчиқ ва Оҳангарон оралигидаги

бу ҳудудни жуда қадим замонларданок хуш кўриб, муқим масканга айлантирганлари бежиз эмас.

Самсараксой, Паркентсой, Бошқизилсой, Ёттиариқсой водийсида ўзбек археологлари жуда кўплаб қадимий ёдгорликларни топишган.

Давоми 2-бетда

ЎЗУМИНИ ЕГАНЛАР БОҒИНИ СУРИШТИРСИН

Тошкент давлат аграр университетидида "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, ёш фермерлар Кенгаши ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва узумчилик бўйича етакчи ва ёш фермерлар, олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосий пойдевори сифатида муҳим аҳамиятга эга соҳа ҳисобланади. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ ва фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томондан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳага замонавий техникалар, инновацион ғояларни татбиқ этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтган конференция доирасида ҳам мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Мичиган штати уни-

верситети вакиллари билан ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланиш, боғлар ва узумзорлардан юқори даражада ҳосил олиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, илмий-амалий анжуманда қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар, деҳқонларнинг ерни экишга тайёрлаш, экинларга ишлов беришда инновацион усуллар, замонавий технологиялардан фойдаланиши,



мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини миллий бренд остида жажон бозорига экспорт қилиш, мева-сабзавотчилик мажмуини интеграцион ва кластер ёндашув асосида ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Даврон АХМЕДОВ олган сурат

ДУНЁДА ЭНГ КАТТА БОЙЛИК — ЁШЛИКДА ОЛИНГАН БИЛИМДИР

Бошланғич 1-бета

Ота-она учун фарзанднинг ютуқларини кўриш — катта бахт. Яна бир муҳим гапни айтмасам бўлмайди. Ўтган йиллари кўни-кўшилларимиз ўғил-қизининг 25 май кунги тадбири учун ортиқча сарф-харажат қилганини эшитиб, тўғриси роса ташвишлангандим. Чунки, ўқувчи-ёшлар ҳаётига хос бўлмаган ортиқча дабдабозлик бўлган эди-да. Мана, бу йилдан барчаси бошқача, самимий бўлаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Байрам либослари эса ўқувчиларга жуда мос. Ростки, биз ота-оналар бундан жуда хурсанд бўлдик.

— Мактабда устозларимнинг берган билими туфайли инглиз тилини яхши ўзлаштирдим, — дейди Нурафшон шахридаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Артур Тихонов. — Келгусида инглиз тилини мукамал эгаллаш учун таҳсилни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда давом эттирмоқчиман. Ўз олдимга таржимон бўламан, деган қатъий мақсад қўйдим. Келажакда хорижий сайёҳларга юртимиз, айниқса, вилоятимизнинг табиатини яқиндан таништиришим учун инглиз тилида раво сўзлаша олишим шарт.

— Болалигимдан адабиётга иштиёқим баланд бўлган, — дейди Бекобод туманидаги 6-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мухтасар Каримова. — Мактабда устозларимнинг берган билими дунёқарашимни бойитди. Шу боис, матбуот саҳифаларида шеърларим, мақолаларим тез-тез чоп этиладиган бўлди. Шу йили адабиёт йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ қўрилдим. Келажакда журналист бўлмоқчиман. Бугунги тадбирда устозларим, синфдошларим олдида шу орзуимга, албатта, эришаман, деб ваъда бердим.

Дарҳақиқат, вилоятимизнинг барча умумтаълим мактабларида ташкил этилган тадбирлар ўқитувчи ўқувчилар, ота-оналар учун бир умр эсда қоладиган бўлди.

Салим АБДУҚОДИРОВ

Ёшларга доир давлат сиёсати — амалда

ФРАНЦУЗ ХОНИМИНИНГ ҲАЙРАТИ

Куни кеча тахририятга хабар келди. Унда Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг Ўзбекистон билан таълим бўйича ҳамкори Софи Жит хонимнинг Паркент туманидаги 9-умумтаълим мактабига ташрифи маълум қилинганди. Тадбирни ёритгани белгиланган вақтдан бир оз олдинроқ бордик.

Мактаб ҳовлиси байрам руҳида безатилган. Бошланғич синф ўқувчилари эса ҳаяжон билан икки қатор бўлиб сафланиб турибди. Софи Жит хонимни мактаб маъмурияти, маҳалла фаоллари, ўқувчи-ёшлар ўзбек урф-одатларига кўра, хурмат билан қутиб олишди. Шундан сўнг меҳмон ўқувчи-ёшларнинг француз тили дарс жараёнини кўзатишди. Улар билан суҳбатлашди. Мактабда ушбу тилнинг ўқитилишига оид кўргазмаларни кўришди, мультимедиа воситалари билан яқиндан танишди.

— Ўзбекистонга келганимга тўққиз ой бўлди, — дейди Софи Жит хоним биз билан суҳбатда. — Яширмайман, мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир куним таассуротларга бой бўлаяпти. Бугун мени бунчалик катта тантана билан қутиб олишди, деб ўйламагандим. Тўғриси айтсам, мактаб ўқувчиларининг француз тилини ўрганишга бўлган кучли иштиёқини кўриб, ниҳоятда ҳайратландим. Биринчи синфнинг ўзидаёқ, тилимизни бунчалик катта қизиқиш билан ўзлаштиришгаётганидан роса

кувондим. Эътиборлиси шундаки, 5-синф ўқувчилари мен билан худди французлардек раво суҳбатлашди. Улар келгусида Францияда таҳсил олишлари мумкин. Ўқитувчиларга алоҳида миннатдорлик билдирдим. Чунки, француз тилини чуқур биладиган, билимли, тажрибали ўқитувчиларсиз ўқувчилар бундай юқори натижага эриша олмас эди. Мен бу ҳақдаги таассуротларимни Францияда дўстларимга айтиб берман. Ишонаман, улар ҳам бу мактабни ўз кўзлари билан кўриш учун Ўзбекистонга келишди.

— Мактабимизда инглиз ва француз тилини чуқур ўқитишга катта эътибор берамиз, — дейди мактаб директори, "Шухрат" медали соҳибига Нафиса Дўсмаева. — Шу боис, Франция элчихонаси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ўқувчиларимиз француз тилини пухта ўрганиш баробарида, ушбу миллатнинг урф-одати, анъаналаридан ҳам хабардор бўлишмоқда.

— Бу мактабда жуда ажойиб анъана ва одатлар бор, — дейди туман халқ таълими бўлими муdiri Роҳатали Тожибоев, — Буни мактаб ҳовлисига киришингиз билан дарров сезасиз. Айнан Нафиса Дўсмаеванинг ташаббуси билан барча ўқитувчилар ўзаро француз тилида суҳбатлашади. Шу ҳақда Франциялик Софи Жит хонимга гапириб берганимизда унинг ҳайрати янада ошиб, ўзбекчасига "Қойил!" деб юборди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

БЕКОБОДДА ИННОВАЦИОН ФЕСТИВАЛЬ

Бекобод шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлими, Ёшлар иттифоқи кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Innovative demo lesson festival" инновацион фестивалда икки мингдан ортиқ ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбир

Айни вақтда шаҳар мактабларида 70 нафар инглиз тили ўқитувчиси ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Шулардан 14 нафари билим даражасини аниқлаш учун белгиланган CEFR тестидан ўтган. — Хорижий тилларни ўрганишга бўлган талаб ва эътибор туфайли бошланғич синф ўқувчиларимиз ҳам инглиз тилида сўзлашиш кўникмасига эга бўлмоқда, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими муdiri Мухиддин Қўзибоев. — Фестиваль

доирасида намунали очик дарслар, тадбирлар, тўғарақ машғулотларидан намуналар намойиш этилди. Дарс жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари, АКТ воситаларидан унумли фойдаланилганлигининг аҳамияти катта бўлди.

Фестиваль давомида мактаб ўқувчилари АҚШ, Буюк Британия, Австралия давлатлари ҳақидаги маълумотларни инглиз тилида айтиб беришди. Айниқса, хорижий тилларда ижро этилган

қўшиқлар, қувноқ рақслар кўпчиликлари манзур бўлди. — Инглиз тилини пухта ўрганишда устозларимнинг ҳиссаси бениҳоя катта, — дейди 10-синф ўқувчиси Гўзал Атаева. — Ҳозирда инглиз тилидаги турли китоблар, публицистик мақолалар, шеър ва ҳикояларни қўйинчиликсиз мутлола қила олаётганмиз. Келгусида хорижий тиллар бўйича етук мулаҳазаси бўлишни ният қилганман.

Ашуралли БОЙМУРОДОВ

Мулоқот давом этади

Оҳангарон туманидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тажидбаев аҳоли билан учрашув ўтказди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ



Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишининг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунириш, одамларни ташвишлантираётган долзарб масалалар бўйича саволларга жавоб бериш мақсадида ташкил этилди.

Учрашувда Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тажидбаев мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларни том маънода "Адолат кўроғи"га айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган — Судьялар олий кенгаши тузилгани, ушбу кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилгани ҳам соҳани ривожлантириш йўлидаги яна бир заворли қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли янгиланиш, бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Бу ислохотлар, энг аввало, халқимиз

нинг бугундан яхши яшашини учун қулай шароит яратиш, фуқароларнинг конституцион эркинлигини таъминлаш ва мустақамлаш, одамларни қўйиб келаётган муаммоларни бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, аҳолини рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда қонунчилик соҳасини ислох қилиш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт. Шундай экан, ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қўйдан — фуқаролардан, жойлардаги Халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш ва қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланиш зарурий эҳтиёж ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси ва аҳоли ўртасида ўтказилган учрашувда иштирок этганлар турли масалалар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Жонибек ТАҒМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят судининг
депонхона муdiri

Фуқаролар эмас — ҳужжатлар ҳаракатланали

«ЮГУР-ЮГУР»НИНГ ОЗЛИГИ — ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши аҳолига хизмат кўрсатишнинг кенг имкониятларини яратиш бермоқда. Бу борада давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси Бекобод шаҳар Давлат хизматлари марказида кенг қамровли қўлайликлар йўлга қўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар нафақат озғак, балки электрон ариза ва мурожаатлар асосида ҳам давлат хизматларидан самарали фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Эндиликда улар турли хил расмийликлар, овозгарчиликка асло дуч келишмайди.

Марказ томонидан оператив равишда иш олиб борилгани туфайли йил бошидан буён жами 465 та ариза ва хатлар келиб тушган бўлса, тадбиркорлик субъектларига 46 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш бўйича 600 нафардан зиёд мурожаатлар қилинди. Ана шунинг 82 таси бевосита тадбиркорлик

субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига улаш бўйича юборилган. Қолган мурожаатлар эса қўрилиш-монтаж ишларига рухсат сўраш, юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, юридик шахсларнинг ипотека ҳамда бино ва иншоотлар, ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, махсулотни сотиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномалари берилиши ҳақидадир.

Булардан ташқари, фуқаролар томонидан тураржойни нотураржойга ўтказиш, жам-

ғариб бориладиган пенсия тизимини ҳисобга қўйиш, электрон рақамли имзолар олиш, болаларни давлат мактабига таълим муассасаларига қабул қилиш юзасидан қўлаб мурожаатлар келмоқда.

Биргина мисол. Йил бошидан буён жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 212 та ариза келиб тушган эди. Эътиборли жиҳати, ана шу аризаларнинг ҳаммаси ижобий ҳал этилиб, фуқаролар тадбиркорлик гувоҳномаларига эга бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши одамларнинг давлат идораларидан рози бўлиши йўлидаги муҳим қадам бўлмоқда.

Гулноза МАТЧАНОВА,
Бекобод шаҳар Давлат
хизматлари маркази
директори

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ТАВСИЯНОМА ОЛДИ

Нурафшон шахридаги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактабига Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва ёшлар тадбиркорлигини қўлаб-қувватлаш марказининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди.

Тадбир



Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, касб-хўна эгаллаши, ўз бизнесини очиши учун кенг имкониятлар берилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ёшларини бир мақсад сари бираштираш ташкилот — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи юртимиздаги етакчи банклар билан ҳамкорликда ёш тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш мақсадида жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағлар ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини йўлга қўйди.

— Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка рағбатлантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир, — дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ёшлар тадбиркорлиги ва туризмин ривожлантириш бўлими муdiri Р. Абдуназаров. — Айниқса, ўз бизнесини бошлаш ва кенгайтиришни истаган ёшларга имтиёзли кредитлар бериш уларнинг фаолиятини қўлаб-қувватлашнинг амалий йўлидир.

Тадбирда вилоятдаги 39 нафар ёш тадбиркорга Ёшлар иттифоқи томонидан имтиёзли кредит олиш учун тасвияномалар тақдим этилди. Энди ушбу ҳужжат асосида ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар тижорат банкларининг бюрократизм мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Ёш тадбиркорларни қўлаб-қувватлашга қаратилган бундай тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш режалаштирилган.

Ўз мухбири
М. ХИММАТОВ
олган сурат

Жумладан, ўтган асрнинг 60-йилларида геологлар билан бирга олиб борилган изланишлар жараёнида Чанги қишлоғининг шимол томонида қадимий Чанги қони бўлганлиги аниқланди. Бу ерда ўта сифатли қизил гил қазиб олинган.

Тумanning шарқий қисмида, Бошқизилсойнинг ўнг соҳилида, Невич қишлоғига яқин жойда қояга ўйиб солинган қадимий расмлар аниқ-тиниқ сақланиб қолган. Улар "Бошқизилсой петроглифлари" деб аталади. 1969 йилда бу ерда қояга ўйилган ёввойи ва уй ҳайвонла-

лик турлари, маъдан бўёқ ва рудаларнинг турфа ранглари, антиқа тошлари, бўлоқларининг тоза зангори сувлари ва, албатта, муқаддас қадимжолари мазкур туманнинг туризм ва зёратчиликни ривожлантириш мақсадларида тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар беради.

Биз Бухонгарбува, Саидота, Бобомочин, Заркентота каби авлиё аждодлар ҳақида илгари ҳам ҳикоя қилганмиз. Жумладан, Нурокотасой дарёсида Беркота ва Нурокота каби ажойиб қадимий истиқоматгоҳлар бор. Улар муқаддас қадам-

ПАРКЕНТНИНГ МИНГ ЙИЛЛИК БИТИКЛАРИ

ри, одамлар ва ов жараёнлари акс этган 600 дан зиёд расмлар қайд этилган. Шу эрамиздан аввалги биринчи аср бошлари ва эрамизнинг биринчи асри ўрталарига тааллуқлидир.

IX-XI асрлардаёқ, Кумушкон қишлоғида кумуш қони ишлаб турган. Олимлар бу ерда қия қилиб қавланган ер ости йўлига ўхшаш ишлаб чиқариш хоналарини аниқлашган.

Хисарактепа, Қирғизтепа, Сумчатепе, Заркенттепа, Юмалоқтепа каби қадимий ёдгорликлар ва бир қатор катта-кичик кўна шаҳар ўринлари давлатнинг маданий мерос объектлари бўлиб қолган. Уларнинг кўпиди қадимий металлургия излари сақланиб қолган.

Бундан анча бурун, аниқроғи VI асрлардаёқ Паркент тумани марказида Кўшшахи — Фарнент бўлган. Эрамизнинг биринчи асрларидаёқ дунёга келган бу шаҳар эрта ва охири ўрта асрлар даврини босиб ўтган.

Паркент туманининг бекиёс Гўзал табиати улкан қонинотнинг барча ранг-баранг жилоларини ўзида жам этган. Ноёб ва нодир ўсим-

жолардир. Уларга олиб борадиган йўл ўта машаққатли, аммо бағоят нузли. Шу боис, бу муқаддас қадамжоларга етиб боришнинг қалблари қувончга тўлиб, руҳий қувват олади.

Бир вақтлар Буюк Ипак йўлининг шахобчаларидан бири шу ердан ўтган. Бу ерда қишлоқлар бўлиб, одамлар гавжум яшашган ва табиат ҳамда қонинотнинг барча қонун-қоидаларига амал қилишган.

Бироқ, орадан замонлар ўтиб, одамлар туман марказига яқинроқ жойларга кўчиб ўтади. Муқаддас жойлар эса қадимий тошлар муқим макон этган дарада қолди. Мазкур гаройиб дарада мангу сокинлик ҳукмрон. Фақат дарё ва шамоллар шовқиниғина қўлоққа чалиниб туради.

Паркентликлар туғилиб ўсган ўлкалари билан фахрланишади. Зеро, эртақлардагидек гўзал бу маскани севмай бўладими, ахир?! Бугун эса, ҳушманзара тоғлар баргидида гўзал туман аҳолиси ўз ота маконини янада боғ-роғларга буркашга астойдил қиришган.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия жамғармаси
вилоят бошқармаси
бошлиғи

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Янгийўл туманидаги 5-Болалар мусиқа ва санъат мактабига вилоятимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бартараф этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ҳодимлари қасаба уюшмаси республика кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Янгийўлдаги таълим муассасалари раҳбарлари, бошланғич қасаба уюшма раислари ва аъзолари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизнинг ҳеч бир ҳудудда таълим, тиббиёт муассасалари ҳодимлари, талабалар, ижтимоий соҳа ва бюджет ташкилотлари вакиллари ўз соҳасига тегишли бўлмаган

қишлоқ ҳўжалиғи, дала, кўчаларни ободонлаштириш, қурилиш ҳамда турли жамоат ишларига мажбурий жалб қилишга йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатига иштирок этганлар мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбири

2018
йил
учун
«Тошкент
ҳақиқати»
ва
«Ташкентская
правда»
газета-
ларига
ОБУНА
давом
этмоқда!

